



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгорӣ Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

**of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.**

**Панҷакент – 2021**

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили муҳраи улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

**of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.**

**Панҷакент - 2021**

---

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА / ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**  
**МАВОДИ он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгорӣ Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент. – Панҷакент, 2021. – 785 с.**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2. МАТЕРИАЛЫ**  
**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на**  
**тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук**  
**в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в**  
**городе Пенджикент. – Пенджикент, 2021. – 785 с.**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2. MATERIALS of**  
**the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic**  
**"Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era",**  
**April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent. – Penjikent, 2021. –**  
**785 s.**

**Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия:**

Ансорӣ М.Қ. – раис, М.Одиназода, М.Имомзода, Н.Салимӣ, Ҷ. Ҷӯразода,  
Н.Ғаффоров, Петрусевиҷ А.А., Дайырбеков С.С. (Қазоқистон), Боранбаев С.  
Р.(Қазоқистон), Аханов Б.Ф. (Қазоқистон), Шынгысбаев Б. М. ., Тлеукеева А. Е.  
(Қазоқистон), Исраилова Ж. С. (Қазоқистон), Абилдаева Г. С. (Қазоқистон),  
Шатырбекова А.А. (Қазоқистон), Саржанова К. Б. (Қазоқистон), Небесаева Ж. О.  
(Қазоқистон), Бекетова Г. Т., Кобулов Э., Эшов Б.Дж., Холикова Р.Э., Эркинов А. С.  
(Ўзбекистон), Воҳидов Ш.Х. (муҳаррири масъул), Шарифова Г.Ҳ. (муовини раис ва  
котиби масъул), Ансоров С.М., Кўчмуродов А.

**Муқарризон/рецензенты:**

Калинин М.Ю., доктори илмҳои техники, проф. (Беларусь)  
Аллаева Н., доктори илмҳои таърих (Ўзбекистон)  
Қобулов Э., доктори илмҳои таърих, профессор (Ўзбекистон)  
Бегалинова К.К. доктори илмҳои фалсафа, профессор Қазақстан

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор  
наомаданаҷ мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷаи  
илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность  
цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственны авторы.

Дар асоси қарори Шӯрои олимони Донишкадаи омӯзгорӣ Тоҷикистон дар шаҳри  
Панҷакент ба нашр тавсия дода шуд (суратчоласаи № 9 аз 22 апрели соли 2021).

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА / ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**  
**МАВОДИ он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент. – Панҷакент, 2021. – 785 с.**

**СОКРОВИЩНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2. МАТЕРИАЛЫ**  
**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на**  
**тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук**  
**в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в**  
**городе Пенджикент. – Пенджикент, 2021. – 785 с.**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2. MATERIALS of**  
**the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic**  
**"Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era",**  
**April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent. – Penjikent, 2021. –**  
**785 s.**

**Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия:**

Ансорӣ М.Қ. – раис, М.Одиназода, М.Имомзода, Н.Салимӣ, Ҷ. Ҷӯразода,  
Н.Ғаффоров, Петрусевич А.А., Дайырбеков С.С. (Қазоқистон), Боранбаев С.  
Р.(Қазоқистон), Аханов Б.Ф. (Қазоқистон), Шынгысбаев Б. М. ., Тлеукеева А. Е.  
(Қазоқистон), Исраилова Ж. С. (Қазоқистон), Абилдаева Г. С. (Қазоқистон),  
Шатырбекова А.А. (Қазоқистон), Саржанова К. Б. (Қазоқистон), Небесаева Ж. О.  
(Қазоқистон), Бекетова Г. Т., Кобулов Э., Эшов Б.Дж., Холикова Р.Э., Эркинов А. С.  
(Ўзбекистон), Воҳидов Ш.Х. (муҳаррири масъул), Шарифова Г.Х. (муовини раис ва  
котиби масъул), Ансоров С.М., Кўчмуродов А.

**Муқарризон/рецензенты:**

Калинин М.Ю., доктори илмҳои техника, проф. (Беларусь)  
Аллаева Н., доктори илмҳои таърих (Ўзбекистон)  
Қобулов Э., доктори илмҳои таърих, профессор (Ўзбекистон)  
Бегалинова К.К. доктори илмҳои фалсафа, профессор Қазақстан

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор  
наомаданаш мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷаи  
илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность  
цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственны авторы.

Дар асоси қарори Шӯрои олимони Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри  
Панҷакент ба нашр тавсия дода шуд (суратчоласаи № 9 аз 22 апрели соли 2021).

|     |   |   |     |
|-----|---|---|-----|
|     |   | БОСТОНШИНОСИИ ИНСТИТУТИ ТАЪРИХ, БОСТОНШИНОСИ ВА МАРДУМШИНОСИИ БА НОМИ А. ДОНИШИ АМИТ ДАР ВОДИИ ЗАРАФШОН.            |     |
| 45. | Ёрбоев Хушвакт  | АҲМИЯТИ КАШФИЁТҲОИ БОСТОНШИНОСИИ БОЛООБИ ЗАРАФШОН ДАР ИЛМИ ТАЪРИХ   | 179 |
| 46. | Ёрбоев Хушвакт  | МАВЗЕҲОИ САЙЁҲИ ДАР ЁДГОРИҲОИ АНТИҚАИ БОЛООБИ ЗАРАФШОН  | 183 |
| 47. | Жумаев Рӯзикул  | ИНТИХОБ ВА ИСТИФОДАИ БОЗИҲОИ ДИДАКТИКӢ  | 186 |
| 48. | Jumaeva Nilufar<br>Axmatovna<br>O'tayeva Feruza<br>Xolmamatovna       | QUYI ZARAFSHON VOHASI AHOLISINING YER – SUVDAN FOYDALANISH BILAN BOG'LIQ AN'ANALARI (XIX ASR OXIRI-XX ASR BOSHLAGI) | 191 |
| 49. | Жўраева Нафиса<br>Олимовна  | СОЛЕҲИ ТАКИЯДОР ХОНАҚОХМИ ЁКИ ҚАБРИСТОН   | 195 |
| 50. | Исаев А.  | СУРҲОН ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХҲҲАЛИГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ, (XX аср 20-30 йиллар мисолида)   | 198 |
| 51. | Исакова Гульбахор<br>Равшанбековна                                    | ИСТОРИЧЕСКАЯ СУДЬБА ГОРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ И  | 202 |
| 52. | Исамитдинов Ж.Б.  | МУЛОҲИЗАҲО РОҶЕЪ БА ТАШКИЛ ВА ФАОЛИЯТИ ИТТИҲОДИЯИ МАРДОН (ГАП, ГАШТАК) ДАР БАЙНИ ТОҶИКОН                            | 207 |
| 53. | Исакова Феруза<br>Рахмановна  | РОЛЬ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ В РАЗВИТИИ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ДИАЛОГА  | 210 |
| 54. | Искандаров<br>Мухриддин   | ТЕХНОЛОГИЯИ ТАЪЛИМИ ВИДЕОДАРС   | 214 |
| 55. | Исаев А.,<br>Қулмўминов<br>Мансур                                     | XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЯРОСЛАВСК ҲЛКАСИГА ҚАТАҲОН ҚИЛИНГАН ЧОРИ ВАЛИЕВ ТАҚДИРИ (ҲҲЛИ ИСМАТИЛЛО ВАЛИЕВ ХОТИРАСИДАН) | 217 |
| 56. | Ишоновна У.У.<br>Алиева Г.И.,<br>Чўраева Зулолаҳон                    | ТАШАККУЛИ НИЗОМИ ПУРСАМАРИ ТАНЗИМИ ДАВЛАТ ДАР ФАЪОЛИЯТИ СОҲИБКОРИ   | 219 |
| 57. | Ишоновна У.У.,<br>Алиева Г.И.   | ДАСТГИРИИ ДАВЛАТ БАҲРИ ТАРАҚҚИЁТИ ФАЪОЛИЯТИ СОҲИБКОРИ   | 222 |
| 58. | Карим Каримов,<br>Алиҷон Маҳмаёров                                    | ХУСУСИЯТҲОИ РАЪДУ БАҚҚ ДАР ТАБИАТ   | 225 |
| 59. | Қосимова Манижа<br>Соҳибджоновна,<br>Раҳимов Набиджон<br>Турдиалиевич | ДОСТИЖЕНИЯ ЛУЧНОГО СПОРТА ТАДЖИКИСТАНА В XX ВЕК   | 230 |

**Xulosa:** Xullas, XIX asr oxiri- XX asrning boshlarida Buxoro vohasida g'alla, paxta yoki boshqa poliz ekinlarini ekib parvarishlash dehqonlar uchun qo'l mehnati bilan bajariladigan mashg'ulotlar ancha og'ir bo'lgan. Sug'orish shoxobchalarining talabga javob bermaganligi, unumdor erlarning boy – badavlat kishilar tomonidan bo'lib olingani, Buxoro amiri tomonidan undirilgan soliqarning haddan ortiqligi, qishloq xo'jalik texnikasi va ish qurollarining oddiyligi madaniy ekinlar hosildorligini oshirishga imkon bermagan.

Dono xalqimiz, tadbirkor bobo dehqonlarimiz ming yillar davomida yerga ishlov berish, ekin ekib mo'l hosil olishning o'ziga xos usullari va tadbirlarini yaratib, Quyi Zarafshonning murakkab tabiiy sharoitida ham jahon ziroatchilik madaniyatiga o'ziga xos munosib hissa qo'shganlar.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Дала ёзувлари , 1997 йил. Коракул тумани.
2. Дала ёзувлари 1998 йил Ромитан тумани Ромиш қишлоғи
3. Дембо И. Земельный строй Востока. -Л., 1927;
4. Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края //Сирдарьинская область. ч. 1-2. СПб.. 1898.
5. Жабборов И. Жиловланган дарёлар ўлкаси. -Т., 1964.  
Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси.Т.,1994. -Б. 102.
6. Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. - Т..1972. Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. -Т., 1997;
7. Пален К.К. Орошение в Туркестане (Отчет по ревизии Туркестанского края; СПб., 1910: Маллицкий Н.Г. Обычное право водопользования в Ташкентском районе и отношение его к шариату //Вестник ирригации, -1925. -N^4. - С. 14.
8. Рожкова М.К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. М. Л . 1949. -С. 41.
9. Ғулломов Я. Хоразмнинг суторилиш тарихи. – Тошкент, 1959.
10. Шаниязов К.Ш. Ўзбеки - қарлуки.Т., 1964. -Б. 169.

\*\*\*

**Жўраева Нафиса Олимовна-БухДУ,**  
тарих ва маданий мерос факультети, катта ўқитувчи

#### **СОЛЕҲИ ТАКИЯДОР ХОНАҚОХ МИ ЁКИ ҚАБРИСТОН**

Бухоро шахристонидаги гузарларнинг асосий хусусиятларидан бири гузарда мазор ёки муқаддас авлиёнинг мавжудлиги ҳисобланади. Зиёрат жойларининг борлиги гузар маънавий-диний ҳаётида муҳим ўрин тутган. Гузардаги қадамжо топографияси ва шахсиятига доир маълумотларни тадқиқ қилиш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳунармандчилик, таълим-тарбия, диний эътиқодга доир айрим маълумотларни тўлдирди. Гузар номланишида ҳам маълум тарихий воқеа, ҳодиса, шахс, ҳўжалик маданияти билан боғлиқ жиҳатларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Шунингдек, гузардаги маълум шайх, авлиё, пир, эшон, шайх қабрининг мавжудлиги гузар учун юксак шараф ҳисобланиб, баъзан гузар номи мазкур гузардаги авлиё номи билан аталадиган бўлган. Шунинг учун гузар номлари баъзан ўзгариб турган. Айрим ҳолларда гузарнинг ҳақиқий номи қолиб гузар шу ердаги машҳур сиймо номи билан аталган. Шунингдек, гузар номи гузар тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, шу ердаги муқаддас қадамжо тарихини ҳам очиқ беради.

Бухоро шаҳри **Гавкушон мадрасасининг ўнг тарафидаги тор кўчадан** Ғозиён мадрасаси томон келаверишда, Ғозиён кўчасининг чап тарафида **Солехи тақиядор** деган авлиёнинг қабри бор. Бу зиёратгоҳ ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. Қабристоннинг топографияси, топонимикаси, бу қабристонга яқин жойлашган бино, кўча, масжид, мадраса, йўлак, ҳовуз, тепалик ва шу каби топографик объектлар билан боғлиқ тарихий маълумотларни комплекс ўрганиш ва бу иншоотларни тадқиқ қилиш мазкур муқаддас зиёратгоҳ ҳақида баъзи мушоҳадалар қилиш имкониятини беради. Ҳозирги кунда Бухоро шаҳри Ғозиён кўчасида жойлашган Солехи тақиядор қадамжоси ҳақида ҳам айрим фикр ва мулоҳазалар қилиш мумкин. Мозор қадимий шаҳристоннинг шарқий қисмида Ғозиён мадрасасининг шимолида ҳовлининг ташқи девори остида жойлашган. Айни пайтда бу зиёратгоҳда ёзув мавжуд. Қабр ҳовли деворига туташган бўлиб, қурилиш пайтида қабрга зарар етказмасликка ҳаракат қилинган. Хонадон **эгаларининг** маълумот беришича, уйда қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётган жараёнда қабр топилган. Эҳтимол бу ер қабристон бўлган бўлиши мумкин. Қабристон ҳақидаги маълумотлар жуда оз бўлганлиги сабабли эътиборни топонимикага қаратмоқчимиз. Демак, Солехи тақиядор атамасини топонимик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали мозор ҳақидаги баъзи илмий фаразларни илгари сурсак бўлади, аввало такъя сўзи этимологиясига эътибор қаратиш лозим. А.Али-заденинг Ислом энциклопедияси луғатида, тақия сўфийлик атамаси ҳисобланиб, тўхташ, тўхташ жойи деган маънони англатади. Бу атама сўфийликда маънавий амалиёт билан шуғулланадиган, шунингдек, ўқитиш ва ўрганиш учун йиғиладиган жой маъносида ишлатилган. Бундай учрашувлар кўпроқ чегара қалъаларда ўтказилганлиги ҳақида маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, Ғозиён кўчаси қадим шаҳристоннинг шарқий чегараси бўлган. Тақия атамасининг ўрнида баъзан рибат сўзи ҳам қўлланилган. Кўпгина изоҳли луғатларда такъялар касалхона вазифасини ҳам бажарганлиги айтилади. Шунингдек, А.Али-заденинг Ислом энциклопедияси луғатида, тақиядор сўзига ҳам таъриф берилган бўлиб, бу атама диндан тилида воз кечадиган, аммо дилида ўз динига содиқ қоладиганларга нисбатан қўлланилганлиги айтилади<sup>1</sup>. Умуман олганда, такъя атамасига берилган кўпгина таърифлардан умумий жиҳатларни олиб шундай хулоса қилиш мумкинки, такъя деганда хонақоҳ назарда тутилган. Демак, Бухоро шаҳри Ғозиён кўчасида Ғозиён мадрасасига яқин жойлашган Солехи тақиядор мозори ўрнида дарвешлар хонақоси бўлган. Хонақо деганда тарихий адабиётларда шайх ва дарвишлар зикру само қиладиган хонага айтилган. Кўпчилик муаллифлар хонақоларнинг пайдо бўлишини Марказий Осиёда Ислом дини тарқалиши билан юзага келганлигини таъкидлашади<sup>2</sup>. Кейинчалик хонақоҳлар дарвишлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид, мақбараларнинг бир қисми тарзида қурилган.

Дарвишлар уюшмаларининг маркази сифатида қурилган йирик хонақоҳларнинг катта заллари, уларнинг атрофларида эса зиёратчилар учун хужралар бўлган. Кейинчалик маҳалла, кишлоқ масжидларининг намоз ўқиладиган хонаси ҳам хонақоҳ деб аталган. Юқоридаги, тарихий атамаларнинг изоҳли луғатларидан келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Солехи тақиядор мозори айнан Бухоро шаҳри

<sup>1</sup> Али –заде А.А. Исламский энциклопедический словарь.-М.: Ансар, 2007.-С .601, 679-680.

<sup>2</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати.-Т.:Академия,2002.-Б.249.

Ғозиён кўчасида Ғозиён мадрасасига яқин жойлашганлиги тақиядорлик ва ғозиёнлик фаолиятини умумий жиҳатлари мавжудлигини кўрсатади. Сабаби, иккала фаолиятнинг умумий жиҳати сифатида эътиқодида собит туриш ва эътиқодини ҳимоя қилишни кўрсатиш мумкин. Таниқли олима О.А.Сухареванинг ёзишича, асосан Ғозиён кварталли аҳолисининг кўпчилик қисмини савдогарлар ва муллалар ташкил қилган<sup>1</sup>лигининг ўзи айнан ҳозирги қабристон жойида хонақоҳ бўлганлигини мантиқий асослайди. Негаки, ўрта асрларда мулла атамаси мадрасада таҳсил олган, диний илмга эга бўлган маълумотли кишилар, дин арбоблари ва уламоларга нисбатан қўлланилган. Такъядан ҳам ўқитиш ва ўрганиш учун йиғиладиган жой учун фойдаланганлигини таъкидлаш лозимки, тасаввуф аҳли зикр билан шуғулланиш учун махсус жойларда тўпланишган. Солеҳи тақиядор мазорининг Ғозиён мадрасасига яқин жойлашганлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айнан бу ерда йиғилиш тасаввуф ибораси билан айтганда, издиҳом иштирокчилари сифатида мадраса илми толиб ва мударрислари бўлган бўлиши мумкин. Негаки **Ғозиён мадрасасига** бу хонақоҳ жуда яқин жойлашган.

Тарихдан маълумки, хонақоҳлар жамият ижтимоий, маънавий, сиёсий ҳаётида жуда катта рол ўйнаган. Бу унинг қандай вазифаларни бажарганлигидан келиб чиққан. Хонақоҳлардан жамоат ва сиёсий йиғилишлар жойи, диний тадбирлар ўтказилган маскан, мактаб, меҳмонхона, касалхона, хайрия марказлари сифатида фойдаланилганлиги уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини оширган. Шунингдек, хонақоҳлар кейинги асрларда худуд жиҳатидан кенгайиб, ўз таркибига масжид, макбара (мозор) ва кутубхоналарни ҳам қамраб олган.

Юқоридаги хонақоҳ ҳақида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳозирги Ғозиён мадрасасига яқин жойлашган Солеҳи тақиядор зиёратгоҳи ўрнида Ғозиён хонақоси бўлиб, хонақоҳ таркибида кичик қабристон ҳам бўлган. Бу хонақоҳдан фақат кичкина Солеҳи тақиядор мазори сақланиб қолган. Ҳақиқатан ҳам Ғозиён мадрасасига яқин жойда кичик қабристон (пушта) бўлганлигини О.А.Сухарева маълумотлари ҳам тасдиқлайди<sup>2</sup>. Демак, О.А.Сухарева тадқиқот олиб борган даврда Ғозиён кварталли Турки Жанди жарибига кириб, хонақоҳдан фақатгина кичик қабристон сақланган бўлган. Шунинг учун О.А.Сухарева Ғозиён мадрасасига яқин жойда кичик қабристон ( пушта) мавжуд деб маълумот беради. Олима маълумотларига таяниб, бу худудда фақатгина қабристон бўлган деб хулоса қила олмаймиз, сабаби Солеҳи тақиядор мазори Ғозиён мадрасасига қарийиб 100 метр узокликда жойлашган. Бу жойда фақат қабристон эмас, хонақоҳ бўлганлигини куйидаги мантиқий асослар орқали изохлаш мумкин:

1.Ўрта асрлар охирида хонақоҳлар йириклашиб, таркибида масжид, макбара (мозор) ва кутубхона бўлган муассасага айланганлиги,

2.Мадрасага жуда яқин худудда биргина қабристоннинг ўзи бўлиши эҳтимолдан узокроқлиги,

3. О.А.Сухарева маълумотларига таяниб, Солеҳи тақиядор мазори жойлашган Ғозиён кварталли аҳолисининг кўпчилик қисмини мулла ва савдогарлар ташкил қилганлиги,

4. Мозор номининг этимологияси ва келиб чиқишига асосланиб,

---

<sup>1</sup> Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. –М.: издательство "Наука" главная редакция восточной литературы,1976.-С. 94.

<sup>2</sup> Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары.- М.: издательство "Наука" главная редакция восточной литературы,1976.



5.Такия ва ғозийлик фаолиятининг умумий жиҳатлари мавжудлиги.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ҳозирги Солеҳи тақиядор мазори ўрнида хонақоҳ бўлганлигини ва бу хонақоҳдан фақат мазор сақланиб қолганлигини таъкидлаш мумкин. Бу хонақоҳ Ғозиён кварталда Ғозиён мадрасасига яқин бўлганлигидан Ғозиён хонақоси деб аталган бўлиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Али –заде А.А. Исламский энциклопедический словарь.-М.: Ансар, 2007
2. Жураева Н. О. РОЛЬ СВЯТЫХ МЕСТ В ИЗУЧЕНИИ ТОПОГРАФИИ БУХАРЫ //Экономика и социум. – 2019. – №. 5. – С. 595-598.
3. Жураева Н. О. ТОПОГРАФИЯ СВЯЩЕННЫХ МЕСТ ГОРОДА БУХАРЫ //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 148-150.
4. Olimovna J. N. The issue of the ethics of ziyorah in the book of “tarikhi mullazada” of ahmad ibn makhmood //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2020. – Т. 10. – №. 12. – С. 1242-1248.
5. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – М.: издательство "Наука" главная редакция восточной литературы, 1976
6. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати.-Т.:Академия,2002.

\*\*\*

#### Исаев А.,

Терду Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)

#### СУРХОН ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (XX аср 20-30 йиллар мисолида)

*Аннотация. В статье на базе архивных материалах анализировано процесс формирования отдельных хозяйств советского правительства в Сурхандарьинском оазисе 20-30-е годы XX века. А также, изучено формирование первых колхозов в этом регионе.*

*Annotation. It is analyzed processes of the formation of the individual dehqan (peasant) farms in Surkhan oasis in 20-30 years of XX century by Soviet government in this article. As well as that it is studied conformation of early collective farms in oasis.*

XX асрнинг 20-30 йиллари Ўзбекистон ҳудудида совет мустабид ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва мустақамланиши билан характерлидир. Мазкур давр совет ҳокимиятининг бутун минтақада бўлгани каби Ўзбекистон ҳудудларини ҳам марказдаги саноат корхоналарини ҳам ашё билан таъминлайдиган асосий манбага айлантириш мақсадида аграр соҳада амалга оширган кенг микёсли тадбирлари билан ҳам тавсифланади. Мустабидлик тамойилларига асосланган мазкур тадбирларнинг Сурхон воҳасида ҳам кенг микёсда амалга оширилиши воҳадаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт жабҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Ўз моҳиятига кўра бу тадбирларни Россия империясининг Туркистон ўлкасида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг узвий ва мантикий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки Сурхон воҳасининг туб маҳаллий аҳолиси таҳлил этилаётган даврда тарқоқ тарзда яшаган бўлиб, қишлоқларда аҳоли ўзларини ҳали олдинги амирлик